AUDITOR

*г. Ташкент, ул. А.Навои, дом 16А, офис409*
*р/с20208000501778281001*
*Катартальский филиал г.Ташкент МФО*
*00426 ИНН 202108244 ОКЭД69202*
*Телефон:+998712000455*

**«TO'YTEPA METALL QURILMALARI» АЖ** нинг
2020 йил молиявий ҳисоботлари юзасидан

## ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Тошкент ш. 27.04.2021 й.

| | |
|---|---|
| **Аудиторлик хулосаси йулланди:** | **«TO'YTEPA METALL QURILMALARI» АЖ** |
| Хукукий манзили: | Тошкент.вил, Нурафшон ш, Бирлик МФЙ, Тошкент йули кўчаси |
| Банк: | "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ ЯШНОБОД филиали |
| Ҳисоб рақами: | 20 208 000 200 132 799 001 |
| МФО: | 00959 |
| ИНН: | 200 587 450 |
| Телефон: | (998 90) 977-38-77 |
| **Аудиторлик хулосаси тузилди:** | **“Аудитор” МЧЖ Аудиторлик ташкилоти** |
| Хукукий манзили: | Тошкент ш, А.Навоий, 16а |
| Банк: | АТБ «Саноатқурилишбанк» Қатортол филиали |
| Ҳисоб рақами: | 2020 8000 5017 7828 1001 |
| МФО: | 00426 |
| ИНН: | 202 108 244 |
| Телефон: | 0-598 110 54 55 |

Ушбу аудиторлик хулосаси Ўзбекистон Республикасида Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 02 апрель куни берилган Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча хўжалик юритувчи субъекларида аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқини берувчи № 00758 сонли лицензия асосида фаолият кўрсатувчи “Аудитор” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Мадрахимов Лазизбек Авазович (24.01.2020 йил №05664-сонли аудитор малака сертификати) томонидан, 2021 йил 16 апрелдаги № 15 сонли шартномага асосан тайёрланди.

Аудиторлик текшируви 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган давр молиявий ҳисоботлари бўйича тайёрланди. Текширилган молиявий ҳисоботлар ўз ичига 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган давр учун тузилган бухгалтерия баланси (1-шакл) ва бошқа ҳисоботларни олади.

Текширув учун тақдим қилинган ҳисоботларни тайёрлаш ва дастлабки хужжатларнинг тўғрилиги бўйича маъсулият Ўзбекистон Республикасиинг «Бухгалтерия хисоботи тўғрисида» ги қонунига мувофиқ корхона раҳбари ва бош ҳисобчисининг зиммасига юклатилган.

Аудиторлик ташкилоти ушбу молиявий ҳисобот бўйича берган хулосаси учун масъулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг амалдаги миллий андозалари (АФМС) асосида амалга оширади. Ушбу андозалар бизга, мижоз тақдим этган корхона ахборотларнинг фойдаланувчилари молиявий хисоботида моддий ахамиятга эга бўлган хатоликлари йўқлиги тўғрисида етарли даражадаги ишончни таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотларни қонунчиликка ва молиявий хўжалик фаолияти ҳолатини хақиқатга мос келишлигини баҳолашни талаб қилади.

Ўтказилган аудиторлик текшируви давомида кўриб чиқилган молиявий ҳисобот бўйича ўз фикримизни билдиришимиз учун етарли тарзда асос беради деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, **«TO'YTEPA METALL QURILMALARI» АЖ** нинг 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача бўлган давр учун тузилган молиявий хисоботи кўрсаткичлари жамиятнинг молиявий холатини ишонарли тарзда акс эттирган ва жамият амалга оширган молиявий ва хўжалик муомалалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига тўла мос келади.

**Бош директор:** **Абидов Р.А.**

**Аудитор:** **Мадрахимов Л.А.**